В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ТУРСУН КАМАЛДИНОВИЧ

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВА ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 517.968.74+517.91

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ТУРСУН КАМАЛДИНОВИЧ

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВА ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/FM161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:	**Асанова Анар Турмағанбетқизи (Қозоғистон)** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ашуров Равшан Раджапович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ўринов Ахмаджон Қўшақович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд Давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И. Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _________соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz.)

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2021 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К. Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

А. Азамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда гидродинамика ва фильтрлаш жараёнлари моделларини тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Гидродинамиканинг фундаментал қонуниятларини математик физиканинг классик ва ноклассик тенгламалари учун қўйилган тўғри ва тескари масалаларнинг ечимлари ёрдамида топиш муҳим аҳамиятга эга. Чизиқли ва ночизиқли дифференциал тенгламалар учун тескари ва нолокал чегаравий масалаларни ечиш астрономия, квант назарияси, геофизика, иссиқлик ўтказиш, математик биология ва бошқариш назарияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда интегралли шартлар билан берилган дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Берилган параметрларнинг қийматларидан келиб чиққан ҳолда ечимларни қуриш, бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган тенгламаларнинг ечимларини ошкор кўринишларда топиш, тенгламалар квазичизиқли ёки ночизиқли бўлган ҳолларда эса уларни эквивалент тарзда ночизиқли интеграл тенгламага келтириш ва турли итерацион схемаларни қўллаш; амалий математикада қўлланилаётган математик моделларнинг назарий асосларини яратиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзгарувчилардан биттаси бўйича иккинчи ёки учинчи тартибли хусусий ҳосилали ва бошқа ўзгарувчилар бўйича жуфт тартибли хусусий ҳосилаларни ўз ичига олган тенгламаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор кучайтирилди. Чунки бундай масалалар тадқиқотчидан алоҳида ёндошувни ва янгича мулоҳазалар юритишни талаб этади. Бундай тенгламаларни стандарт усуллар билан тадқиқ этишда нафақат техник характердаги қийинчиликларга дуч келинади. Жумладан, охирги йилларда параметр интегралли шартлар билан берилган дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламаларнинг структурасида иштирок этганда, параметрнинг турли қийматларига мос келган ечимларни қуриш, бу ечимларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, ягона бўлиши ёки бўлмаслигини текшириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси ва оптимал бошқариш» фанларининг устивор йўналишларида халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарорнинг ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида айниган ядроли Фредгольм дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалари учун қўйилган

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори.

нолокал тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли ечилишини тадқиқ этиш ва ечимларни конструктив қуриш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2].

Оддий ва хусусий ҳосилали дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун қўйилган нолокал тўғри ва тескари чегаравий масалалар бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of New Haven (АҚШ), Ghent University (Бельгия), University of Tokyo (Япония), М.В. Ломоносов номли Москва давлат университети, Москва физика-техника институти (миллий тадқиқот университети), Москва инженер-физика институти (миллий тадқиқот ядро университети), Москва энергетика институти (миллий тадқиқот университети), Н.Э. Бауман номли Москва давлат техника университети, Россия Халқлар дўстлиги университети, Белгород давлат миллий тадқиқот университети, Бошқирдистон давлат университети, Воронеж давлат университети, Белорусь давлат университети, Самара давлат университети, Урал федерал университети, Кабардин-Балқор давлат университети, Қозон (Волга бўйи) федерал университети, Новосибирск давлат университети, Иркутск давлат университети, Жанубий федерал университети, Самара давлат техника университети, Киев миллий университети, Козоғистон Миллий университети, Institute of Mathematics of Chinese Academy of Sciences, Россия ФА В.А. Стеклов номли Математика институти, Россия ФА Сибирь бўлимининг Математика институти, Украина МФА Математика институти, Қозоғистон МФА Математика ва математик моделлаштириш институти ва бошқа хорижий илмий муассасаларда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.inderscience.com.jhome; www.springer.com.journal; www.link.springer.com/journal/10625 ва бошқа шунга ўхшаш манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Оддий интегро-дифференциал тенгламаларни тадқиқ этишга A. Lorenzi, A.I. Prilepko, H. Oka, И.И. Белов, М.В. Булатов, М.М. Вайнберг, В.В. Васильев, М.И. Иманалиев, С. Искандаров, Н.Д. Копачевский, Н.А. Сидоров, В.Г. Трубин, М.В. Фалалаев, Г.А. Шишкин ва бошқаларнинг ишлари бағишланган. А.М. Самойленко, А.А. Бойчук, С.А. Кривошея, А.П. Страх ва Д.С. Джумабаевнинг ишларида биринчи тартибли айниган ядроли интегро-дифференциал тенгламалар тадқиқ этилган. А.А. Самарский биринчи бўлиб нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ этишни бошлаб берди ва кейинчалик Д.Г. Гордезиани, Г.А. Авалишвили, А.Л. Скубачевский, А.И. Кожанов, Я.Т. Мегралиев, А.М. Нахушев, Л.С. Пулькина, К.Б. Сабитов, А.Т. Асанова томонидан салмоқли илмий натижалар олинди.

О.А. Ладыженская, В.А. Солонников, Н.Н. Уральцева, В.А. Ильин, В.П. Михайлов, Е.И. Моисеев, В.А. Чернятин, L.D. Akulenko, S.V. Nesterov ва бошқаларнинг ишларида параболик ва гиперболик тенгламалар учун хос қийматларга доир масалалар ўрганилди ва бундай тенгламаларни ечишда Фурье қаторлари усулининг қўлланилиши асослаб берилди. Ночизиқли параболик ва гиперболик тенгламалар ва уларнинг умумлашмалари А.Н. Боголюбов, М.Д. Малых, А.И. Вагабов, В.С. Владимиров, М.О. Корпусов, С.Н. Кружков, Н.А. Кудряшов, М.Б. Сухарев, Э. Митидиери, С.И. Похожаев, О.А. Олейник ва Г.И. Чандиров томонидан тадқиқ этилди. А.Н. Тихонов, В.Я. Арсенин, М.М. Лаврентьев, Л.Я. Савельев, В.Г. Романов, А.И. Прилепко, Д.С. Ткаченко, А.Л. Бухгейм, Н.И. Калинина, А.М. Денисов, С.И. Кабанихинларнинг ишларида эса тескари масалаларни ечиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. В.А. Ильиннинг ишларидан кейин параболик ва гиперболик типдаги чизиқли дифференциал тенгламаларни ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар пайдо бўлди. Хусусан, Қ. Бойқўзиев бузиладиган гиперболик ва параболик тенгламалар учун асосий аралаш масалаларни ўрганди. В.А. Чернятин ўз ишларида гиперболик ва параболик типдаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларни ечишда Фурье қаторларининг қўлланилишини асослаб берди. Ю.А. Дубинский ихтиёрий тартибли квазичизиқли эллиптик ва параболик тенгламалар бўйича тадқиқотлар олиб борди. Н.И. Ионкин иссиқлик ўтказиш назариясида ноклассик чегаравий шартли масалани ўрганди.

Г.И. Чандировнинг ишларида ночизиқли гиперболик ва параболик тенгламалар учун қўйилган аралаш масалани ечишга Фурье қаторлари усулининг қўлланилиши асослаб берилди. Қ.Х. Шабадиков эса аралаш ҳосилалари олдида кичик параметр қатнашадиган псевдогиперболик ва псевдопараболик турдаги ночизиқли дифференциал тенгламалар учун аралаш масалани Фурье қаторлари усулида тадқиқ этди.

Ҳозирги кунда бузиладиган, аралаш, сингуляр ва ноклассик тенгламаларнинг турли кўринишлари учун тўғри ва тескари масалаларни ечиш назариялари Ш.А. Алимов, Ю.П. Апаков, Р.Р. Ашуров, А.С. Бердишев, С.Ж. Жамолов, Т.Ж. Жўраев, Б.И. Исломов, О.С. Зикиров, Э.Т. Каримов, Б.В.

Логинов, М. Мамажонов, М. Мирсабуров, М.Х. Рўзиев, М.С. Салоҳиддинов, А. Сопуев, Ж.О. Тохиров, Р.Н. Тўраев, А. Хасанов, С. Умаров, П. Фенг, А.Қ. Ўринов, Б.Ж. Қодирқулов ва бошқаларнинг ишларида яратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Ўзбекистон-Исроил қўшма факультети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дифференциал тенгламалар ва айниган ядроли Фредгольм интегро-дифференциал тенгламалари учун қўйилган нолокал тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли ечиш ва ечимларни конструктив қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали бир жинсли дифференциал тенгламалар учун қўйилган нолокал чегаравий масалаларни параметрнинг регуляр қийматларида бир қийматли ечишнинг етарли шартларини топиш ва параметрнинг норегуляр қийматларида эса ечимлар мавжудлигининг зарурий шартларини аниқлаш;

учинчи ва тўртинчи тартибли ҳамда айниган ядроли хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар учун нолокал тўғри ва тескари масалалар бир қийматли ечилишининг етарли шартларини топиш, ечимнинг қайта аниқлаш функцияси ва чегаравий шартларга нисбатан турғунлигини исботлаш ҳамда параметрнинг норегуляр қийматларида чегаравий масалалар ечимларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини исботлаш;

ихтиёрий даражали параболик операторни ўз ичига олган ночизиқли интегро-дифференциал тенгламалар учун аралаш масалалар умумлашган бир қийматли ечилишининг етарли шартларини топиш;

иккинчи тартибли Фредгольм оддий интегро-дифференциал тенгламалар учун параметрнинг регуляр қийматларида нолокал тўғри ва тескари масалалар бир қийматли ечилишининг етарли шартларини топиш, ечимнинг қайта аниқлаш функцияси ва чегаравий шартлар бўйича турғунлигини исботлаш ҳамда спектрал параметрларнинг норегуляр қийматларида чегаравий масалалар ечимларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Айниган ядроли ва ҳақиқий параметрли иккинчи тартибли Фредгольм интегро-дифференциал тенгламалари ҳамда ҳақиқий параметрларни ўз ичига олган хусусий ҳосилали дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар.

Тадқиқотнинг предмети. Фурье қаторлари, хусусий ҳосилали дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар назарияси, айнийдиган ядроли Фредгольм интегро-дифференциал тенгламалар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функциялар назарияси, функционал анализ назарияси, оддий дифференциал тенгламалар назарияси, интеграл тенгламалар ва тенгсизликлар назариялари ҳамда математик физика назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

параметрнинг регуляр қийматларида тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали бир жинсли дифференциал тенгламалар учун қўйилган нолокал чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

параметрнинг регуляр қийматларида учинчи ва тўртинчи тартибли аралаш турдаги ҳамда айниган ядроли хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар учун нолокал тўғри ва тескари масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган ҳамда ечимнинг қайта аниқлаш функцияси ва чегаравий шартлар бўйича турғунлиги исботланган;

ихтиёрий даражали параболик операторни ўз ичига олган ночизиқли интегро-дифференциал тенгламалар учун аралаш масалалар умумлашган ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

иккинчи тартибли оддий Фредгольм интегро-дифференциал тенгламалари учун параметрларнинг регуляр қийматларида нолокал тўғри ва тескари масалалар ечимларининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган, ечимнинг қайта аниқлаш функцияси ва чегаравий шартларга нисбатан турғунлиги исботланган ҳамда спектрал параметрларнинг норегуляр қийматларида эса чегаравий масалалар ечимларининг бир қийматли эмаслиги ёки ечим мавжуд бўлмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси дифференциал тенгламалар ва айниган ядроли интегро-дифференциал тенгламаларнинг бир қийматли ечимларини қуришда ҳақиқий параметрли функцияларнинг ва Фредгольм детерминантининг хоссаларидан фойдаланиш усули таклиф этилганлиги ва параметрларнинг норегуляр қийматларида эса бир қийматли бўлмаган ечимларни қуришда ортогоналлик ҳусусиятини хисобга олувчи услуб таклиф этилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масалаларнинг коррект қўйилганлиги, қатъий математик усулларнинг қўлланилганлиги, математик исботларнинг тўла бажарилганлиги ва график тасвирлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ишда олинган натижалардан юқори тартибли дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламаларнинг сифат назариясида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни автоматик бошқарув, ночизиқли механика ва математик физиканинг амалий масалаларини ечишда татбиқ этиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

айниган ядроли хусусий ҳосилали Бенни-Люк туридаги интегро-дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечиш усулидан хорижнинг етакчи илмий журналларида (Lobachevskii J. of Math.: 2020, Vol. 41, P. 1031-1042; 2021, Vol. 42, P. 526-535, P. 587-597, 632-640, 479-489; Russian Math.: 2020, Vol. 64, P. 1-11; International J. of Math. and Phys., 2020, Vol. 11, № 1, P. 28-35) хусусий ҳосилали чизиқли, юкланган ва ночизиқли тенгламалар учун Геллерстедт масаласи, икки ва кўп нуқтали чегаравий масалаларнинг ечимини топишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланиши хусусий ҳосилали чизиқли ва юкланган тенгламалар учун Геллерстедт масаласи, икки ва кўп нуқтали чегаравий масалаларнинг ечими мавжудлигини исботлаш имконини берган;

псевдопараболик-псевдогиперболик турдаги интегро-дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларда ечимни қуриш усулидан етакчи илмий журналларида (Lobachevskii J. of Math.: 2021, Vol. 41, P. 560-571, P. 572-578, P. 632-640; Axioms 2020, Vol. 9, № 4(135); Chaos, Solitons & Fractals, 2021, Vol. 146, ID 110835) аралаш турдаги дифференциал тенгламалар ва айниган дифференциал тенгламалар учун турли хил чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечимларини қуришда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланиши аралаш турдаги дифференциал тенгламалар, учта сингуляр коэффициентли эллиптик тенгламалар, айниган дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечимларининг мавжудлигини исботлаш имконини берган;

хусусий ҳосилали айниган ядроли интегро-дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг ечиш усулидан №AP05131220 рақамли «Юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш усуллари ва уларнинг тадбиқлари» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида чизиқли дифференциал тенгламалар, айниган ночизиқли дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечимларини қуришда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирлиги қарашли математика ва математик моделлаштириш институтининг 2021 йил 25 майдаги № 01-06/082-сонли маълумотномаси, Қозоғистон). Илмий натижанинг қўлланиши тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали чизиқли ва ночизиқли дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий ва нолокал чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теоремани исботлаш имконини берган;

таркибида параметри бўлган хусусий ҳосилали чизиқли ва ночизиқли дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечимини қуриш усулидан №AP05131268 рақамли «Хусусий ҳосилали нолокал дифференциал тенгламалар учун чегаравий ва бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида чизиқли ва ночизиқли параболик ва гиперболик дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларнинг ечимини қуришда фойдаланилган (Хўжа Ахмад Яссавий номидаги Қозоқ-Турк халқаро университетининг 2021 йил 25 майдаги № 05/1159-сонли маълумотномаси, Қозоғистон). Илмий натижанинг қўлланиши параболик ва гиперболик турлардаги дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теоремани исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 37 та илмий мақола чоп этилган. Бу 37 та илмий мақола хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 216 бетни ташкил этган.

Муаллифнинг миннатдорчилиги. Диссертацияни ёзиш жараёнида фойдали маслаҳатлар берганликлари, ҳамда маънавий қўллаб қувватлагаанликлари учун устозлари С.И. Сенашов ва Н.А. Сидоровларга муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради. Узоқ вақт давомида ушбу диссертацион тадқиқотни қўллаб қувватлаганликлари учун Б.В. Логинов ва Қ.Х. Шабадиковларнинг номларини ёд этишни муаллиф ўзининг бурчи деб билади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация мазмунининг асосий қисмини баён қилишда қуйидаги белгилашлардан фойдаланамиз.

а). $C^r(\Omega)$ – шундай $U(t,x,y)$ функциялар синфи бўлиб, Ω соҳада $\dfrac{\partial^r U}{\partial t^r}, \dfrac{\partial^r U}{\partial x^r}, \dfrac{\partial^r U}{\partial y^r}$ узлуксиз ҳосилаларга эга;

б). $C^{r,s,s}_{t,x,y}(\Omega)$ – шундай $U(t,x,y)$ функциялар синфи бўлиб, Ω соҳада $\dfrac{\partial^r U}{\partial t^r}, \dfrac{\partial^s U}{\partial x^s}, \dfrac{\partial^s U}{\partial y^s}$ узлуксиз ҳосилаларга эга;

в). $C^{r+s+0}_{t,x,y}(\Omega)$ – шундай $U(t,x,y)$ функциялар синфи бўлиб, Ω соҳада $\dfrac{\partial^{r+s}U}{\partial t^r \partial x^s}$ узлуксиз ҳосилага эга, $C^{r+0+s}_{t,x,y}(\Omega)$ – шундай $U(t,x,y)$ функциялар синфи бўлиб, Ω соҳада $\dfrac{\partial^{r+s}U}{\partial t^r \partial y^s}$ узлуксиз ҳосилага эга, $r,\ s-$ берилган натурал сонлар.

Диссертациянинг «Бир жинсли дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг классик ечилувчанлиги» деб номланган биринчи боби тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали бир жинсли бўлган дифференциал тенгламалар учун қўйилган ноклассик чегаравий масалаларни тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда ўзгарувчиларни ажратиш усулини қўллаб спектрал параметр қийматлари ҳисобланган, топилган қийматларнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эса қаралаётган масаланинг ечимлари қурилган ҳамда масала ечимининг мавжудлик критерийлари топилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи ёрдамчи характерда бўлиб, бу ерда келгуси параграфлар ва бобларда фойдаланиладиган маълумотлар келтирилган.

Иккинчи параграфда уч ўлчовли $\Omega=\{(t,x,y)|\ 0<t<\beta,\ 0<x,y<l\}$ соҳада қуйидаги

$$U_{tt}-U_{ttxx}-U_{ttyy}+\nu^2U_{xx}+\nu^2U_{yy}=0, \qquad (1)$$

бу ерда $\nu-$ мусбат параметр, псевдоэллиптик дифференциал тенгламани тадқиқ этиш методикаси таклиф этилган. (1) тенглама қуйидаги шартлар бажарилганда ўрганилади:

$$U(t,x,y)\in C(\overline{\Omega})\cap C^2(\Omega)\cap C^{2+2+0}_{t,x,y}(\Omega)\cap C^{2+0+2}_{t,x,y}(\Omega), \qquad (2)$$

$$U(0,x,y)=U(\beta,x,y),\ \ 0\le x,y\le l, \qquad (3)$$

$$\int_0^\beta U(t,x,y)\,dt=\varphi(x,y),\ \ 0\le x,y\le l, \qquad (4)$$

$$U(t,0,y)=U(t,l,y)=U(t,x,0)=U(t,x,l)=0,\quad 0\le t\le\beta, \qquad (5)$$

бу ерда $\varphi(x,y)-$ берилган етарлича силлиқ функция, $\varphi(0,y)=\varphi(l,y)=$ $=\varphi(x,0)=\varphi(x,l)=0,\quad \overline{\Omega}=\{(t,x,y)|\ 0\le t\le\beta,\ 0\le x,y\le l\}.$

1-масала. *Уч ўлчовли Ω соҳада* (1) *тенгламани ва берилган* (2)-(5) *шартларни қаноатлантирувчи номаълум $U(t,x,y)$ функция топилсин.*

1-шартлар. $\varphi(x,y)\in C^2([0;l]\times[0;l])$ функция $[0;l]$ кесмада учинчи тартибли бўлакли-узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин ва

$$\varphi(0,y)=\varphi(l,y)=\varphi(x,0)=\varphi(x,l)=0,$$

$$\varphi_{xx}(0,y)=\varphi_{xx}(l,y)=\varphi_{xx}(x,0)=\varphi_{xx}(x,l)=0,$$

$$\varphi_{yy}(0,y)=\varphi_{yy}(l,y)=\varphi_{yy}(x,0)=\varphi_{yy}(x,l)=0\,.$$

1-теорема. 1-*шартлар бажарилган бўлсин. У ҳолда* 1-*масала уч ўлчовли* Ω *соҳада* $\nu \in (0, \infty)$ *параметрнинг барча қийматларида бир қийматли ечимга эга. Ечим Фурье қатори кўринишида топилади.*

Учинчи параграфда тўртинчи тартибли уч ўлчовли Буссинеск[3] дифференциал тенгламаси учун қўйилган нолокал чегаравий масала тадқиқ этилган. Уч ўлчовли $\Omega = \{(t, x, y) | \, 0 < t < \beta, \, 0 < x, y < l\}$ соҳада қуйидаги дифференциал тенглама қаралади:

$$U_{tt} - U_{ttxx} - U_{ttyy} - \nu^2 U_{xx} - \nu^2 U_{yy} = 0, \qquad (6)$$

бу ерда β ва $l-$ берилган мусбат ҳақиқий сонлар, $\nu -$ мусбат параметр.

(6) тенглама қуйидаги чегаравий шартларда ўрганилади:

$$U(0, x, y) = U(\beta, x, y), \;\; 0 \le x, y \le l, \qquad (7)$$

$$\int_0^\beta U_t(t, x, y) t \, dt = \varphi(x, y), \;\; 0 \le x, y \le l, \qquad (8)$$

$$U(t, 0, y) = U(t, l, y) = U(t, x, 0) = U(t, x, l) = 0, \quad 0 \le t \le \beta, \qquad (9)$$

бу ерда $\varphi(x, y) -$ берилган етарлича силлиқ функция, $\varphi(0, y) = \varphi(l, y) = \varphi(x, 0) = \varphi(x, l) = 0$.

2-масала. *Уч ўлчовли* Ω *соҳада* (6) *тенгламани қаноатлантирувчи, берилган* (7)-(9) *шартларни ҳамда*

$$U(t, x, y) \in C(\overline{\Omega}) \cap C^2(\Omega) \cap C^{2+2+0}_{t,x,y}(\Omega) \cap C^{2+0+2}_{t,x,y}(\Omega)$$

шартларни қаноатлантирувчи $U(t, x, y)$ *функцияни топилсин, бу ерда* $\overline{\Omega} = \{(t, x, y) | \; 0 \le t \le \beta, \; 0 \le x, y \le l\}$.

Барча m, n натурал сонларда ν параметрнинг $\left| A_{n,m}(\nu) \right| = \left| 1 - \cos \lambda_{n,m} \nu \, \beta \right| > 0$, $\left| B_{n,m}(\nu) \right| = \left| 2 - 2\cos \lambda_{n,m} \nu \, \beta - \lambda_{n,m} \nu \, \beta \sin \lambda_{n,m} \nu \, \beta \right| > 0$ тенгсизликлар бажариладиган ҳар қандай мусбат қийматини регуляр қиймат деб атаймиз ва шундай қийматлар тўпламини Λ билан белгилаймиз. Қолган мусбат қийматларни норегуляр қийматлар деб атаймиз ва уларнинг $(0; \infty) \setminus \Lambda$ тўпламини $\Im$ билан белгилаймиз.

Барча m, n ларда $\nu \in \Im$ тўпламни ёзамиз. $A_{n,m}(\nu) = 1 - \cos \lambda_{n,m} \nu \, \beta = 0$ шарт $\cos \lambda_{n,m} \nu \, \beta = 1$ тригонометрик тенгламага тенг кучли бўлиб, бу тенгламанинг мусбат ечимлари тўплами

$$\nu'_k = \frac{2\pi k}{\lambda_{n,m} \beta}, \;\; k \in N \qquad (10)$$

кўринишдан иборат, бу ерда $N -$ натурал сонлар тўплами, бу ерда

$$\lambda_{n,m} = \sqrt{\frac{\mu^2_{n,m}}{1 + \mu^2_{n,m}}}, \;\; \mu_{n,m} = \frac{\pi}{l} \sqrt{n^2 + m^2} \; .$$

---

[3] Wang S., Chen G. Small amplitude solutions of the generalized IMBq equation // Mathematical Analysis and Application. 2002. Vol. 274. P. 846–866.

Ёзувни соддалаштириш учун $z=\lambda_{n,m}\nu\beta$ белгилаш киритамиз. У ҳолда

$$B_{n,m}(\nu)=2-2\cos\lambda_{n,m}\nu\beta-\lambda_{n,m}\nu\beta\sin\lambda_{n,m}\nu\beta=0$$

тенглама $2\cos z+z\sin z-2=0$ кўринишни олади. Бу тенглама $\sin\frac{z}{2}=0$ ёки $z\cos\frac{z}{2}-2\sin\frac{z}{2}=0$ тенгламаларга тенг кучли. Биринчи тенгламанинг мусбат ечимлари (10) формуладаги ечимлар билан устма-уст тушиши очиқ-равшан. Иккинчи тенглама $tg\frac{z}{2}=\frac{z}{2}$ трансцендент тенгламага тенг кучли. Демак, агар $tg\,\vartheta=\vartheta$ тенгламанинг ўсиш тартибида олинган мусбат ечимлари кетма-кетлиги $\left\{\vartheta_k\right\}_{k=1}^{\infty}$ бўлса, у ҳолда иккинчи тенгламанинг мусбат ечимлари тўплами

$$\nu_k''=\frac{2\vartheta_k}{\lambda_{n,m}\beta},\ k\in N \tag{11}$$

кўринишда тузилган бўлади.

Шундай қилиб, $B_{n,m}(\nu)=0$ тенгламанинг мусбат ечимлари (10) ва (11) формулалар билан берилади. (10) ечимнинг мумкин бўлган барча $k,n,m\in N$ лардаги қийматлари тўпламини $\Im_1$ билан, (11) ечимнинг эса мумкин бўлган барча $k,n,m\in N$ лардаги қийматлари тўпламини $\Im_2$ билан белгилаймиз.

2-шартлар. $\varphi(x,y)\in C^2([0;l]\times[0;l])$ функция $[0;l]$ кесмада учинчи тартибли бўлакли-узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин ва

$$\varphi(0,y)=\varphi(l,y)=\varphi(x,0)=\varphi(x,l)=0,$$
$$\varphi_{xx}(0,y)=\varphi_{xx}(l,y)=\varphi_{xx}(x,0)=\varphi_{xx}(x,l)=0,$$
$$\varphi_{yy}(0,y)=\varphi_{yy}(l,y)=\varphi_{yy}(x,0)=\varphi_{yy}(x,l)=0.$$

2-теорема. 2-*шартлар бажарилсин. У ҳолда барча* m,n *ва барча* $\nu\in\Lambda$ *регуляр қийматларда 2-масала* Ω *соҳада ягона ечимга эга.* $\nu\in\Im_1$ *ёки* $\nu\in\Im_2$ *норегуляр қийматлар тўпламида 2-масала чексиз кўп ечимларга эга бўлади, агар* $\varphi_{n,m}=0$ *шарт бажарилса.*

Диссертациянинг иккинчи боби «Айниган ядроли интегро-дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларнинг классик ечилувчанлиги» деб номланган бўлиб, у хусусий ҳосилали айниган ядроли интегро-дифференциал тенгламалар учун қўйилган нолокал чегаравий масалалар классик ечимларининг мавжудлиги масалаларига бағишланган. Ўзгарувчиларни ажратишнинг Фурье қаторлари усули қўлланилади. Қаралаётган масалалар ечимлари мавжуд ва ягоналигинин етарли шартлари топилган. Берилган параметрларнинг қийматлари ҳисобланади ва ўрганилаётган масаланинг мос ечимлари қурилади.

Биринчи параграфда $\Omega=\{(t,x)|-T<t<T,\,0<x<l\}$ соҳада айниган ядроли аралаш псевдопараболо-псевдогиперболик интегро-дифференциал тенглама қаралади:

$$\begin{cases} U_t-U_{txx}-U_{xx}+\nu\int\limits_0^T K_1(t,s)U(s,x)\,ds=0,\ t>0, \\ U_{tt}-U_{ttxx}-\omega^2 U_{xx}+\nu\int\limits_{-T}^0 K_2(t,s)U(s,x)\,ds=0,\ t<0, \end{cases} \tag{12}$$

бу ерда T ва $l-$ берилган мусбат ҳақиқий сонлар, $\omega-$ мусбат параметр, $\nu-$ нолдан фарқли ҳақиқий параметр, $0\neq K_j(t,s)=a_j(t)b_j(s)$, $a_j(t)$, $b_j(s)$ $\in C[-T;T]$, $j=1,2$.

3-масала. Ω *соҳада* (12) *тенгламани ва*

$$\int\limits_0^T U(t,x)\,dt=\varphi(x),\ U(t,0)=U(t,l)=0$$

шартларни қаноатлантирувчи

$$U(t,x)\in C(\overline{\Omega})\cap C^1(\Omega)\cap C^{1,2}(\Omega_+)\cap C^{2,2}(\Omega_-)\cap C^{1+2}_{t,x}(\Omega_+)\cap C^{2+2}_{t,x}(\Omega_-)$$

функцияни топиш талаб этилади, бу ерда $\varphi(x)$ *− берилган етарлича силлиқ функция,* $\varphi(0)=\varphi(l)=0$, $\Omega_-=\{(t,x)|\ -T<t<0,\ 0<x<l\}$,
$\Omega_+=\{(t,x)|\ 0<t<T,\ 0<x<l\}$, $\overline{\Omega}=\{(t,x)|\ -T\le t\le T,\ 0\le x\le l\}$.

(12) тенгламанинг Ω соҳадаги ечими Фурье қатори кўринишида изланади:

$$U(t,x)=\sqrt{\frac{2}{l}}\sum_{n=1}^{\infty}u_n(t)\sin\mu_n x,$$

бу ерда $\vartheta_n(x)=\sqrt{\dfrac{2}{l}}\sin\mu_n x$, $\mu_n=\dfrac{n\pi}{l}$ − мос хос қийматлар.

Фурье қаторини (12) тенгламага қўйиб, оддий интегро-дифференциал тенгламаларнинг саноқли системасига эга бўламиз:

$$u'_n(t)+\lambda_n^2 u_n(t)=\nu\int\limits_0^T a_1(t)\,b_1(s)u_n(s)\,ds,\ t>0,$$

$$u''_n(t)+\lambda_n^2\omega^2 u_n(t)=\nu\int\limits_{-T}^0 a_2(t)\,b_2(s)u_n(s)\,ds,\ t<0,$$

бу ерда $\lambda_n^2=\dfrac{\mu_n^2}{1+\mu_n^2}$, $\mu_n=\dfrac{\pi n}{l}$.

Белгилашлар киритамиз: $\alpha_n=\int\limits_0^T b_1(s)u_n(s)\,ds$, $\beta_n=\int\limits_{-T}^0 b_2(s)u_n(s)\,ds$.

У ҳолда бу янги номаълум катталикларни аниқлаш учун алгебраик тенгламалар системасини тузамиз:

$$\begin{cases}\alpha_n(1-\nu P_{2n}) = \varphi_n P_{1n}, \\ \alpha_n \nu\, Q_{2n}(\omega) + \beta_n(1-\nu Q_{3n}) = \varphi_n Q_{1n}(\omega),\end{cases}$$

бу ерда

$$P_{1n} = \int_0^T b_1(s) M_{1n}(s)\,ds,\; P_{2n} = \int_0^T b_1(s) M_{2n}(s)\,ds,\; Q_{1n}(\omega) = \int_{-T}^0 b_2(s) N_{1n}(s,\omega)\,ds,$$

$$Q_{2n}(\omega) = \int_{-T}^0 b_2(s) N_{2n}(s,\omega)\,ds, \quad Q_{3n} = \int_{-T}^0 b_2(s)\delta_n(s)\,ds,$$

$$M_{2n}(t) = h_n(t) - M_{1n}(t)\int_0^T h_n(t)\,dt,\; \delta_n(t) = \frac{1}{\lambda_n\omega}\int_0^t \sin\lambda_n\omega(t-s)\,a_2(s)\,ds,$$

$$N_{1n}(t,\omega) = \frac{\lambda_n^2}{\sigma_n}\left[\cos\lambda_n\omega t - \frac{\lambda_n}{\omega}\sin\lambda_n\omega t\right], \quad N_{2n}(t,\omega) = N_{1n}(t,\omega)\int_0^T h_n(t)\,dt,$$

$$h_n(t) = \int_0^t \exp\{-\lambda_n^2(t-s)\}\,a_1(s)\,ds, \quad 0<\lambda_n = \sqrt{\frac{\mu_n^2}{1+\mu_n^2}}<1,\; \mu_n = \frac{\pi n}{l}.$$

Бу алгебраик тенгламалар системасидан

$$\nu = \nu_n \neq \frac{1}{P_{2n}}, \quad \nu = \nu_n \neq \frac{1}{Q_{3n}}, \tag{13}$$

$$Q_{2n}(\omega) \neq 0. \tag{14}$$

кўринишлардаги шартларга эга бўламиз.

Энди $\nu_{1n} = \dfrac{1}{P_{2n}}$ ва $\nu_{2n} = \dfrac{1}{Q_{3n}}$ тенгликларни қараймиз. Сўнгра, $\int_0^T \exp\left\{-\lambda_n^2 t\right\}dt = \dfrac{\sigma_n}{\lambda_n^2} \neq 0$ эканлигидан $P_{2n} \neq 0$ бўлиши келиб чиқади. Q_{3n} катталик ω параметрга боғлиқ. ω параметрнинг қайси қийматларида $Q_{3n}(\omega) \neq 0$ бўлишини аниқлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, агар $Q_{3n}(\omega) = 0$ деб олсак, бу ердан $\sin 2y_n - 2\sin y_n = y_n$ трансцендент тенгламага эга бўламиз, бу ерда $y_n = \lambda_n \omega T$. Мазкур тенглама мусбат ечимга эга эмас. Иккинчи ν параметрнинг $\nu_{1n} = \dfrac{1}{P_{2n}}$ ва $\nu_{2n} = \dfrac{1}{Q_{3n}}$ қийматларини норегуляр қийматлар деб атаймиз ва бундай сонлар тўпламини $\Im_1 = \{\nu_{1n}, \nu_{2n}\}$ билан белгилаймиз. Бу тўпламни ҳақиқий сонларнинг ушбу $(-\infty;0)\cup(0;\infty)$ тўпламидан ажратиб оламиз. $\Lambda_1 = \left[(-\infty;0)\cup(0;\infty)\right] \setminus \Im_1$ тўпламни ν параметрнинг регуляр қийматлари тўплами деб атаймиз. Барча $\nu \in \Lambda_1$ қийматлар учун (13) шарт бажарилади. Энди (14) шарт бажарилмаган ҳолни қараймиз. Бу ҳолда $\lambda_n \cos\lambda_n\omega T - \omega\sin\lambda_n\omega T = \lambda_n\omega^2$ тенгламани ечамиз. Мазкур тенгламани

$$\lambda_n T^2 \cos\lambda_n z - T z \sin\lambda_n z = \lambda_n z^2,\ 0 < z,\ 0 < \lambda_n < 1$$

кўринишда ёзиш мумкин. Бу трансцендент тенглама бўлиб, уни график усулда ечиш мумкин ва у битта мусбат ечимга эга. Бу ечимни тўплам сифатида $\Im_2$ билан белгилаймиз. $\omega \in \Im_2$ қийматда (14) шарт бузилганлиги сабали уни норегуляр қиймат деб атаймиз. (14) шарт бажариладиган $\Lambda_2 = (0;\infty)\setminus\Im_2$ тўпламни эса ω параметрнинг регуляр қийматлари тўплами деб атаймиз. Белгилашлар киритамиз:

$$\Phi_n(t,\nu) = M_{1n}(t) + \nu\, M_{2n}(t)\,\frac{P_{1n}}{1-\nu P_{2n}},$$

$$\Psi_n(t,\nu,\omega) = N_{1n}(t,\omega) - \nu\, N_{2n}(t,\omega)\,\frac{P_{1n}}{1-\nu P_{2n}} +$$

$$+\nu\,\delta_n(t)\left[\frac{Q_{1n}(\omega)}{1-\nu Q_{3n}} - \nu\,\frac{Q_{2n}(\omega)}{1-\nu Q_{3n}}\,\frac{P_{1n}}{1-\nu P_{2n}}\right].$$

Сонларнинг $(n,\nu,\omega) \in \aleph_1 = \{(n,\nu,\omega): n \in N,\ \nu \in \Lambda_1,\ \omega \in \Lambda_2\}$ учлиги учун 3 масаланинг ечими қуйидаги қаторлар кўринишида ёзилади:

$$U(t,x,\nu) = \sqrt{\frac{2}{l}}\sum_{n=1}^{\infty}\varphi_n \Phi_n(t,\nu)\sin\frac{\pi n}{l}x,\ t > 0,$$

$$U(t,x,\nu) = \sqrt{\frac{2}{l}}\sum_{n=1}^{\infty}\varphi_n \Psi_n(t,\nu,\omega)\sin\frac{\pi n}{l}x,\ t < 0.$$

Бу ечим Ω соҳада ягонадир. Сонларнинг $(n,\nu,\omega) \in \aleph_2 = \{(n,\nu,\omega): n \in N,\ \nu \in \Im_1,\ \omega \in \Im_2\}$ учлиги учун эса 3 масаланинг Ω соҳадаги ечими қуйидаги қаторлар кўринишида ёзилади

$$U(t,x,\nu) = \sqrt{\frac{2}{l}}\ \nu\sum_{n=1}^{\infty} C_n M_{2n}(t)\sin\frac{\pi n}{l}x,\ t > 0,$$

$$U(t,x,\nu) = \sqrt{\frac{2}{l}}\ \nu\sum_{n=1}^{\infty} C_n\left[-N_{2n}(t,\omega) + \delta_n(t)\right]\sin\frac{\pi n}{l}x,\ t < 0,$$

бу ерда C_n – ихтиёрий ўзгармас. $\varphi(x) \equiv 0$ шарт сонларнинг $(n,\nu,\omega) \in$ $\in \aleph_2 = \{(n,\nu,\omega): n \in N,\ \nu \in \Im_1,\ \omega \in \Im_2\}$ учлиги учун 3 масала ечимининг мавжуд бўлиши учун етарлидир.

3-теорема. $\varphi(x) \in C^2[0;l]$ *функция* $[0;l]$ *оралиқда учинчи тартибли бўлакли-узлуксиз ҳосилаларга эга бўлиб,* $\varphi(0) = \varphi(l) = 0$, $\varphi_{xx}(0) = \varphi_{xx}(l) = 0$ *бўлсин. У ҳолда сонларнинг* $(n,\nu,\omega) \in \aleph_1$ *учлиги учун 3-масала* Ω *соҳада бир қийматли ечимга эга. Сонларнинг* $(n,\nu,\omega) \in \aleph_2$ *учлиги учун эса 3-масала* Ω *соҳада чексиз кўп ечимларга эга, агарда* $\varphi(x) \equiv 0$ *шарт бажарилса.*

Иккинчи параграфда $\Omega = \{(t,x) \mid -T < t < T,\ 0 < x < l\}$ соҳада тўртинчи тартибли аралаш турдаги ядролари айниган интегро-дифференциал тенглама

$$\begin{cases} U_{tt} - U_{ttxx} + U_{xx} + \nu \int\limits_0^T K_1(t,s)U(s,x)\,ds = 0,\ t > 0, \\ U_{tt} - U_{ttxx} - \omega^2 U_{xx} + \nu \int\limits_{-T}^0 K_2(t,s)U(s,x)\,ds = 0,\ t < 0 \end{cases} \qquad (15)$$

қаралган, бу ерда T ва $l-$ берилган мусбат ҳақиқий сонлар, $\omega-$ мусбат параметр, $\nu-$ нолдан фарқли ҳақиқий параметр, $0 \neq K_j(t,s) = a_j(t)b_j(s)$, $a_j(t), b_j(s) \in C[-T;T]$, $j = 1,2$.

4-масала. Ω *соҳада* (15) *тенгламани ва*

$$\int\limits_0^T U(t,x)\,dt = \varphi(x), \quad \int\limits_{-T}^0 U(t,x)\,dt = \psi(x),\ U(t,0) = U(t,l) = 0$$

шартларни қаноатлантирувчи

$$U(t,x) \in C(\overline{\Omega}) \cap C^1(\Omega) \cap C^2(\Omega_+ \cup \Omega_-) \cap C^{2+2}_{t,x}(\Omega_+ \cup \Omega_-),$$

функцияни топиш талаб этилади, бу ерда $\varphi(x), \psi(x)$ *− берилган етарлича силлиқ функциялар,*

$$\varphi(0) = \varphi(l) = \psi(0) = \psi(l) = 0,\ \Omega_- = \{(t,x) |\ -T < t < 0,\ 0 < x < l\},$$

$$\Omega_+ = \{(t,x) |\ 0 < t < T,\ 0 < x < l\}, \quad \overline{\Omega} = \{(t,x) |\ -T \le t \le T,\ 0 \le x \le l\}.$$

Бу параграф бундан аввалги параграф каби ўрганилади.

Учинчи параграфда уч ўлчовли $\Omega = \{(t,x,y) |\ 0 < t < \beta,\ 0 < x, y < l\}$ соҳада тўртинчи тартибли айниган ядроли Буссинеск интегро-дифференциал тенгламаси

$$U_{tt}(t,x,y) - U_{ttxx}(t,x,y) - U_{ttyy}(t,x,y) - U_{xx}(t,x,y) - U_{yy}(t,x,y) =$$

$$= \nu \int\limits_0^\beta K(t,s)U(s,x,y)\,ds \qquad (16)$$

учун нолокал чегаравий масала ечимининг мавжуд ва ягона ёки ягона эмаслиги масалалари тадқиқ этилади, бу ерда β ва $l-$ берилган мусбат ҳақиқий сонлар, $\nu-$ нолдан фарқли ҳақиқий параметр, $0 \neq K(t,s) = \sum\limits_{i=1}^k a_i(t)b_i(s)$, $a_i(t), b_i(s) \in C[0;\beta]$. Шунингдек, $a_i(t),\ i = \overline{1,k}$, функциялар системаси ва $b_i(s),\ i = \overline{1,k}$, функциялар системаси чизиқли эркли деб фараз қилинади.

(16) тенгламани қуйидаги нолокал

$$U(0,x,y) + \int\limits_0^\beta U(t,x,y)\,dt = \varphi(x,y),\ 0 \le x, y \le l, \qquad (17)$$

$$U_t(0,x,y) + \int\limits_0^\beta U_t(t,x,y)\,dt = \psi(x,y),\ 0 \le x, y \le l \qquad (18)$$

ва чегаравий

$$U(t,0,y) = U(t,l,y) = U(t,x,0) = U(t,x,l) = 0, \quad 0 \le t \le \beta \qquad (19)$$

шартларда ўрганамиз, бу ерда $\varphi(x,y),\psi(x,y)-$ берилган етарлича силлиқ функциялар,

$$\varphi(0,y)=\varphi(l,y)=\varphi(x,0)=\varphi(x,l)=0,$$
$$\psi(0,y)=\psi(l,y)=\psi(x,0)=\psi(x,l)=0.$$

5-масала. *Уч ўлчовли* Ω *соҳада* (16) *тенгламани ва* (17)-(19) *берилган чегаравий шартларни ҳамда*

$$U(t,x,y)\in C(\overline{\Omega})\cap C^2(\Omega)\cap C^{2+2+0}_{t,x,y}(\Omega)\cap C^{2+0+2}_{t,x,y}(\Omega)$$

шартларни қаноатлантирувчи $U(t,x,y)$ *функция топилсин, бу ерда* $\overline{\Omega}=\{(t,x,y)|\ 0\le t\le\beta,\ 0\le x,y\le l\}.$

Масаланинг нотривиал ечимлари Фурье қаторлари кўринишида изланади:

$$U(t,x,y)=\frac{2}{l}\sum_{n,m=1}^{\infty}u_{n,m}(t)\vartheta_{n,m}(x,y),$$

бу ерда $\vartheta_{n,m}(x,y)=\sin\left(\frac{n\pi}{l}x\right)\sin\left(\frac{m\pi}{l}y\right).$

Чегаравий шартларни ҳисоблаш чоғида $c_{n,m}$ ва $d_{n,m}$ коэффициентларни аниқлаш учун саноқли сондаги алгебраик тенгламалар системаси (ССАТС) га эга бўламиз:

$$\begin{cases} c_{n,m}\left(\lambda_{n,m}+\sin\left(\lambda_{n,m}\beta\right)\right)+d_{n,m}\left(1-\cos\left(\lambda_{n,m}\beta\right)\right)=\lambda_{n,m}\left(\varphi_{n,m}-\gamma_{n,m}\right), \\ c_{n,m}\left(\cos\left(\lambda_{n,m}\beta\right)-1\right)+d_{n,m}\left(\lambda_{n,m}+\sin\left(\lambda_{n,m}\beta\right)\right)=\lambda^2_{n,m}\left(\psi_{n,m}-\eta_{n,m}(\beta)\right). \end{cases} \quad (20)$$

(20) кўринишдаги ССАТС бир қийматли ечимга эга бўлиши учун

$$A_{n,m}=\left(\lambda_{n,m}+\sin\left(\lambda_{n,m}\beta\right)\right)^2+\left(1-\cos\left(\lambda_{n,m}\beta\right)\right)^2=$$
$$=\lambda^2_{n,m}+2\left(1+\lambda_{n,m}\sin\left(\lambda_{n,m}\beta\right)-\cos\left(\lambda_{n,m}\beta\right)\right)\neq 0$$

шартнинг бажарилиши талаб этилади, бу ерда

$$\lambda^2_{n,m}=\frac{\mu^2_{n,m}}{1+\mu^2_{n,m}},\quad \mu^2_{n,m}=\frac{\pi}{l}\sqrt{n^2+m^2}.$$

5-шартлар. Берилган $\varphi(x,y)\in C^2\left([0;l]\times[0;l]\right),\ \psi(x,y)\in C^2\left([0;l]\times[0;l]\right)$ функциялар $[0;l]\times[0;l]$ соҳада учинчи тартибли бўлакли-узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин:

$$\varphi(0,y)=\varphi(l,y)=\varphi(x,0)=\varphi(x,l)=$$
$$=\varphi_{xx}(0,y)=\varphi_{xx}(l,y)=\varphi_{xx}(x,0)=\varphi_{xx}(x,l)=$$
$$=\varphi_{yy}(0,y)=\varphi_{yy}(l,y)=\varphi_{yy}(x,0)=\varphi_{yy}(x,l)=$$
$$=\psi(0,y)=\psi(l,y)=\psi(x,0)=\psi(x,l)=$$
$$=\psi_{xx}(0,y)=\psi_{xx}(l,y)=\psi_{xx}(x,0)=\psi_{xx}(x,l)=$$
$$=\psi_{yy}(0,y)=\psi_{yy}(l,y)=\psi_{yy}(x,0)=\psi_{yy}(x,l)=0.$$

Фредгольм детерминантини қараймиз:

$$\Delta_{n,m}(\nu)=\begin{vmatrix} 1+\nu H_{11n,m} & \nu H_{12n,m} & ... & \nu H_{1kn,m} \\ \nu H_{21n,m} & 1+\nu H_{22n,m} & ... & \nu H_{2kn,m} \\ ... & ... & ... & ... \\ \nu H_{k1n,m} & \nu H_{k2n,m} & ... & 1+\nu H_{kkn,m} \end{vmatrix} \neq 0,$$

бу ерда

$$H_{ijn,m}=\int_0^{\beta} b_i(s)E_{jn,m}(s)\,ds,$$

$$E_{in,m}(t)=B_{1n,m}(t)\int_0^{\beta}\xi_{in,m}(t)\,dt+B_{2n,m}(t)\xi_{in,m}(\beta)-\xi_{in,m}(t),$$

$$B_{1n,m}(t)=\frac{\lambda_{n,m}}{A_{n,m}(T)}\Big[\cos\lambda_{n,m}t\Big(\lambda_{n,m}+\sin\lambda_{n,m}\beta\Big)+\sin\lambda_{n,m}t\Big(1-\cos\lambda_{n,m}\beta\Big)\Big],$$

$$B_{2n,m}(t)=\frac{\lambda_{n,m}^2}{A_{n,m}(T)}\Big[\cos\lambda_{n,m}t\Big(\cos\lambda_{n,m}\beta-1\Big)+\sin\lambda_{n,m}t\Big(\lambda_{n,m}+\sin\lambda_{n,m}\beta\Big)\Big],$$

$$\xi_{i,n,m}(t)=\frac{1}{\lambda_{n,m}\Big(1+\mu_{n,m}^2\Big)}\int_0^t\sin\Big(\lambda_{n,m}(t-s)\Big)a_i(s)\,ds.$$

$\Delta_{n,m}(\nu)$ детерминант ν га нисбатан кўпҳад бўлиб, бу кўпҳаднинг даражаси k дан катта эмас. $\Delta_{n,m}(\nu)=0$ тенглама k тадан кўп бўлмаган турли ҳақиқий илдизларга эга. Бу илдизлар интегро-дифференциал тенглама ядроси ν параметрининг норегуляр қийматларидир. ν параметрнинг бундай норегуляр қийматлари тўпламини $\Im$ билан белгилаймиз. Параметрнинг $\nu\in\Lambda=\big((-\infty;0)\cup(0;\infty)\big)\setminus\Im$ қийматлари тўпламини регуляр қийматлар тўплами деб атаймиз. $\nu\in\Lambda$ параметрнинг регуляр қийматларида Фредгольм шарти бажарилади. Шунинг учун бундай $\nu\in\Lambda$ қийматларда қўйилган нолокал масала бир қийматли ечилади.

4-теорема. 5-*шартлар бажарилсин. Параметрнинг* $\nu\in\Lambda$ *регуляр қийматларида уч ўлчовли* Ω *соҳада масала бир қийматли ечилади. Параметрнинг* $\nu\in\Im$ *иррегуляр қийматларида масала* Ω *соҳада чексиз кўп ечимга эга. Бунда 5-масала ечимининг мавжуд бўлиши учун чегаравий шартларнинг* $\varphi(x,y)\equiv 0,\ \psi(x,y)\equiv 0$ *бир жинсли бўлиши етарлидир.*

Тўртинчи параграфда $\Omega=\{(t,x,y)\,|\,0<t<T,\ 0<x,y<l\}$ соҳада тўртинчи тартибли айниган ядроли Бенни-Люк (Benney-Luke[4]) туридаги интегро-дифференциал тенглама учун

$$U_{tt}-(U_{ttxx}+U_{ttyy})-\omega^2(U_{xx}+U_{yy})+\omega^2(U_{xxxx}+U_{yyyy})=$$

[4] Benney D. J., Luke J. C. Interactions of permanent waves of finite amplitude // Journal of Mathematical Physics. 1964. Vol. 43. P. 309–313.

$$=\nu\int_0^T K(t,s)U(s,x,y)\,ds+\alpha(t)\beta(x,y) \qquad (25)$$

тескари нолокал масаланинг бир қийматли ечилиши масалалари ўрганилган, бу ерда T ва $l-$ берилган мусбат ҳақиқий сонлар, $\omega-$ мусбат параметр, $\nu-$ нолдан фарқли ҳақиқий параметр, $0\neq\alpha(t)\in C[0;T]$, $\beta(x,y)-$ қайта аниқланиш функцияси, $K(t,s)=\sum\limits_{i=1}^{k}a_i(t)b_i(s)$, $0\neq a_i(t),b_i(s)\in C[0;T]$. Бу ерда $a_i(t),\ i=\overline{1,k}$ функциялар системаси ва $b_i(s),\ i=\overline{1,k}$ функциялар системаси чизиқли эркли системалардир.

6-масала. *Шундай*

$$U(t,x,y)\in C(\overline{\Omega})\cap C^{2,4,4}_{t,x,y}(\Omega)\cap C^{2+2+0}_{t,x,y}(\Omega)\cap C^{2+0+2}_{t,x,y}(\Omega), \qquad (26)$$

$$\beta(x,y)\in C\{0\leq x,y\leq l\}$$

функциялар жуфтини топиш керакки, бу функциялар жуфти Ω *соҳада* (25) *тенгламани ва*

$$U(0,x,y)=U(T,x,y),\quad \int_0^T U(t,x,y)\,dt=\varphi(x,y),\ \ 0\leq x,y\leq l, \qquad (27)$$

$$U(t,0,y)=U(t,l,y)=U(t,x,0)=U(t,x,l)=$$
$$=U_{xx}(t,0,y)=U_{xx}(t,l,y)=U_{xx}(t,x,0)=U_{xx}(t,x,l)=$$
$$=U_{yy}(t,0,y)=U_{yy}(t,l,y)=U_{yy}(t,x,0)=U_{yy}(t,x,l)=0,\ \ 0\leq t\leq T, \qquad (28)$$

$$\int_0^T \Theta(t)U(t,x,y)\,dt=\psi(x,y),\ \ 0\leq x,y\leq l \qquad (29)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $0\neq\Theta(t)\in C[0;T]$, $\psi(x,y),\varphi(x,y)-$ $\{0\leq x,y\leq l\}$ *соҳада берилган етарлича силлиқ функциялар,*

$$\varphi(0,y)=\varphi(l,y)=\varphi(x,0)=\varphi(x,l)=$$
$$=\varphi_{xx}(0,y)=\varphi_{xx}(l,y)=\varphi_{xx}(x,0)=\varphi_{xx}(x,l)=$$
$$=\varphi_{yy}(0,y)=\varphi_{yy}(l,y)=\varphi_{yy}(x,0)=\varphi_{yy}(x,l)=$$
$$=\varphi_{xxxx}(0,y)=\varphi_{xxxx}(l,y)=\varphi_{xxxx}(x,0)=\varphi_{xxxx}(x,l)=$$
$$=\varphi_{yyyy}(0,y)=\varphi_{yyyy}(l,y)=\varphi_{yyyy}(x,0)=\varphi_{yyyy}(x,l)=0,$$
$$\overline{\Omega}=\{(t,x,y)|\ 0\leq t\leq T,\ 0\leq x,y\leq l\}.$$

6-масаланинг бир қийматли ечилиши учун биринчи шарт

$$\sigma_{n,m}(\omega)=1-\cos\mu_{n,m}\omega T\neq 0$$

кўринишда бўлади.

Бирор ω да $\sigma_{n,m}(\omega)=1-\cos\mu_{n,m}\omega T=0$ бўлсин. Бу шарт $\cos\mu_{n,m}\omega T=1$ тенгликка тенг кучли, бу ерда $\mu_{n,m}=\dfrac{\pi}{l}\sqrt{n^2+m^2}$. Бу тенглама мусбат ечимлар тўпламига эга: $\omega_k=\dfrac{2\pi k}{\mu_{n,m}T}$, $k\in N$, бу ерда $N-$ натурал сонлар тўплами. Бу формула ёрдамида аниқланган $0<\omega_k$ қийматларнинг тўпламини норегуляр тўплам деб атаймиз ва $\Im_1$ билан белгилаймиз. ω_k нинг бошқа қийматлари тўпламини регуляр тўплам деб атаймиз ва $\Lambda_1=(0,\infty)\setminus\Im_1$ билан белгилаймиз.

Ушбу

$$\Delta_{n,m}(\nu,\omega)=\begin{vmatrix} 1-\nu H_{11\,n,m} & -\nu H_{12\,n,m} & \dots & -\nu H_{1k\,n,m} \\ -\nu H_{21\,n,m} & 1-\nu H_{22\,n,m} & \dots & -\nu H_{2k\,n,m} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ -\nu H_{k1\,n,m} & -\nu H_{k2\,n,m} & \dots & 1-\nu H_{kk\,n,m} \end{vmatrix}\neq 0$$

детерминант ν га нисбатан даражаси k дан катта бўлмаган кўпҳаддир, бу ерда

$$H_{i\,j\,n,m}(\omega)=\int\limits_0^T b_i(s)D_{j\,n,m}(s,\omega)\,d\,s,$$

$$D_{i\,n,m}(t,\omega)=h_{i\,n,m}(T,\omega)\delta_{2n,m}(t,\omega)+h_{i\,n,m}(t,\omega)-B_{n,m}(t,\omega)\int\limits_0^T h_{i\,n,m}(t,\omega)\,d\,t,$$

$$h_{i\,n,m}(t,\omega)=\frac{1}{\mu_{n,m}(1+\mu^2_{n,m})\omega}\int\limits_0^t \sin\,\mu_{n,m}\omega(t-s)a_i(s)\,d\,s,\; i=\overline{1,k},$$

$$B_{n,m}(t,\omega)=\frac{\mu_{n,m}\omega}{2}\cdot\delta_{0n,m}(t,\omega),\quad \mu_{n,m}=\frac{\pi}{l}\sqrt{n^2+m^2},$$

$$\delta_{0n,m}(t,\omega)=\sin\mu_{n,m}\omega t+\frac{\sin\mu_{n,m}\omega T}{\sigma_{n,m}(\omega)}\cdot\cos\mu_{n,m}\omega t,$$

$$\delta_{2n,m}(t,\omega)=\frac{1}{\sigma_{n,m}(\omega)}\left[\cos\mu_{n,m}\omega t-\frac{\delta_{0n,m}(t,\omega)}{2}\sin\mu_{n,m}\omega T\right].$$

$\Delta_{n,m}(\nu,\omega)=0$ тенглама k тадан кўп бўлмаган турли ҳақиқий илдизларга эга бўлиши мумкин. Бундай сонлар тўпламини норегуляр тўплам деб атаймиз ва $\Im_2$ билан белгилаймиз. ν нинг бошқа қийматларини регуляр қийматлар деб атаймиз ва уларнинг тўпламини $\Lambda_2=\left[(-\infty,\,0)\cup(0,\,\infty)\right]\setminus\Im_2$ билан белгилаймиз. Белгилаш киритамиз: $\aleph_1=\left\{(\omega,\nu):\,\omega\in\Lambda_1,\,\nu\in\Lambda_2\right\}$.

6.1-шарт. $\varphi(x,y),\beta(x,y)\in C^5([0;l]\times[0;l])$ функциялар $[0;l]$ оралиқда олтинчи тартибгача бўлакли-узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин:

$$\beta(0,y)=\beta(l,y)=\beta(x,0)=\beta(x,l)=$$
$$=\beta_{xx}(0,y)=\beta_{xx}(l,y)=\beta_{xx}(x,0)=\beta_{xx}(x,l)=$$
$$=\beta_{yy}(0,y)=\beta_{yy}(l,y)=\beta_{yy}(x,0)=\beta_{yy}(x,l)=$$
$$=\beta_{xxxx}(0,y)=\beta_{xxxx}(l,y)=\beta_{xxxx}(x,0)=\beta_{xxxx}(x,l)=$$
$$=\beta_{yyyy}(0,y)=\beta_{yyyy}(l,y)=\beta_{yyyy}(x,0)=\beta_{yyyy}(x,l)=0.$$

5-теорема. 6.1-*шартлар бажарилсин. У ҳолда* (25)-(28) *масала* Ω *соҳада мумкин бўлган барча* n, m *ва* $(\nu,\omega)\in\aleph_1$ *ларда бир қийматли ечимга эга. Бу ечим Фурье қатори кўринишида аниқланади:*

$$U(t,x,y,\omega,\nu)=\frac{2}{l}\sum_{n,m=1}^{\infty}\left[\varphi_{n,m}F_{n,m}(t,\omega,\nu)+\beta_{n,m}M_{n,m}(t,\omega,\nu)\right]\times$$

$$\times\sin\frac{\pi n}{l}x\cdot\sin\frac{\pi m}{l}y, \qquad (30)$$

бу ерда $F_{n,m}(t,\omega,\nu)=B_{n,m}(t,\omega)+\nu\sum_{i=1}^{k}\frac{\Delta_{1in,m}(\nu,\omega)}{\Delta_{n,m}(\nu,\omega)}D_{i\,n,m}(t,\omega)$,

$$\Delta_{jin,m}(\nu,\omega)=$$

$$=\begin{vmatrix} 1-\nu H_{11n,m} & \ldots & -\nu H_{1(i-1)n,m} & \Psi_{j1n,m} & -\nu H_{1(i+1)n,m} & \ldots & -\nu H_{1kn,m} \\ -\nu H_{21n,m} & \ldots & -\nu H_{2(i-1)n,m} & \Psi_{j2n,m} & -\nu H_{2(i+1)n,m} & \ldots & -\nu H_{2kn,m} \\ \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots & \ldots \\ -\nu H_{k1n,m} & \ldots & -\nu H_{k(i-1)n,m} & \Psi_{jkn,m} & -\nu H_{k(i+1)n,m} & \ldots & 1-\nu H_{kkn,m} \end{vmatrix},$$

$j=1,2,$

$$M_{n,m}(t,\omega,\nu)=E_{n,m}(t,\omega)+\nu\sum_{i=1}^{k}\frac{\Delta_{2in,m}(\nu,\omega)}{\Delta_{n,m}(\nu,\omega)}D_{i\,n,m}(t,\omega).$$

(29) шартдан фойдаланиб, қайта аниқлаш функциясини Фурье қатори кўринишида топамиз:

$$\beta(x,y)=\frac{2}{l}\sum_{n,m=1}^{\infty}\frac{\Psi_{n,m}-\varphi_{n,m}\chi_{1n,m}(\omega,\nu)}{\chi_{2n,m}(\omega,\nu)}\sin\frac{\pi n}{l}x\sin\frac{\pi m}{l}y. \qquad (31)$$

(31) да қуйидаги белгилашлардан фойдаландик:

$$\chi_{1n,m}(\omega,\nu)=\int_0^T\Theta(t)F_{n,m}(t,\omega,\nu)dt, \quad \chi_{2n,m}(\omega,\nu)=\int_0^T\Theta(t)M_{n,m}(t,\omega,\nu)dt.$$

Энди $\chi_{2n,m}(\omega,\nu)\neq 0$ шартнинг бажарилишини текширамиз. Фараз қилайлик,

$$\chi_{2n,m}(\omega,\nu)\int_0^T\Theta(t)M_{n,m}(t,\omega,\nu)dt=0 \qquad (32)$$

бўлсин.

Ўрта қиймат ҳақидаги теоремани қўллаймиз. Масаланинг қўйилиш шартига кўра, $\Theta(t)\neq 0,\, t\in[0,T]$. У ҳолда (32) тенгликдан топамиз: $\int_0^T M_{n,m}(t,\omega,\nu)dt=0.$ $M_{n,m}(t,\omega,\nu)$ функциянинг таҳлили шуни кўрсатадики, охирги тенглик бажарилиши учун қуйидаги тенгликлар бажарилиши лозим:

$$\int_0^T \sin\mu_{n,m}\omega(T-t)a_i(t)\,dt = 0\,,\ \int_0^T \sin\mu_{n,m}\omega(T-t)\alpha(t)\,dt = 0. \qquad (33)$$

